



**ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚДАН ҚОЧИШ ҲОЛАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА
УНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ**

PhD Ахмедов Феруз Баходирович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0001-0130-8766*

Аннотация. Мазқур мақолада тадбиркорлик субъектларига хизмат қўрсатишни янги босқичга чиқариш, аҳолининг солиқ маъмурчилиги бўйича саводхонлигини янада ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тенг рақобат шароитини яратиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда яширин иқтисодиётни жиловлашда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини рағбатлантиришига асосланган маъмурчиликни такомиллаштириш ёритилган. Кейинги йилларда дунё мамлакатлари қисқа ва узоқ муддатли бюджет-солиқ сиёсатига оид стратегиясини ишлаб чиқишида солиқ тўловчилар томонидан солиқдан қочиши ҳолатлари олдини олиш ва уни камайтиришнинг турли хил механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор бермоқда. Шу билан биргаликда ноқонуний молиявий оқимларни камайтириш, солиқ тўловчилар томонидан солиқдан қочиши ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилиш, яширин иқтисодиётни камайтириш орқали солиқ тўлашдан бўйин товлаш жараёнларининг илмий-назарий жиҳатларига қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориши устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, соҳалар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий холоса ва тақлифлар шакллантирилган.

Калим сўзлар: солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуllар ва воситалар, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

**АНАЛИЗ ПРАКТИКИ ВЫЯВЛЕНИЯ И ОЦЕНКИ УКЛОНЕНИЯ ОТ УПЛАТЫ
НАЛОГОВ В УЗБЕКИСТАНЕ**

PhD Ахмедов Феруз Баходирович

*Научно-исследовательский центр «Научные основы
и проблемы развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ*

Аннотация. В данной статье описано совершенствование администрирования на основе вывода услуг субъектам предпринимательства на новый уровень, дальнейшего повышения грамотности населения в налоговом администрировании, поддержки предпринимательства, создания равной конкурентной среды и обеспечения прав потребителей, поощрения активного участия широкой общественности в сдерживании теневой экономики. В последние годы страны мира при разработке своих краткосрочных и долгосрочных стратегий бюджетно-налоговой политики уделяют особое внимание реализации различных механизмов предотвращения и сокращения уклонения налогоплательщиков от уплаты налогов. При этом одним из приоритетных направлений остается проведение научных исследований, направленных на сокращение незаконных финансовых потоков, анализ факторов, вызывающих уклонение налогоплательщиков от уплаты налогов, сокращение теневой экономики, а также сосредоточение внимания на научно-теоретических аспектах процессов уклонения от уплаты налогов. Одновременно изучались отрасли, формировался зарубежный опыт, научно-практические выводы и предложения по его применению в нашей стране.

Ключевые слова: налоговые доходы, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

ANALYSIS OF THE PRACTICE OF IDENTIFYING AND ASSESSING TAX EVASION IN UZBEKISTAN

PhD **Akhmedov Feruz Bakhodirovich**
Research Center "Scientific Bases and Issues of
Economic Development Uzbekistan" under
Tashkent state university of Economics

Annotation. This article describes the improvement of the administration based on bringing services to business entities to a new level, further increasing the tax administration literacy of the population, supporting entrepreneurship, creating an equal competitive environment and guaranteeing the rights of consumers, and encouraging the active participation of the general public in curbing the underground economy. In recent years, countries around the world have been paying special attention to the implementation of various mechanisms to prevent and reduce tax evasion by taxpayers when developing their short-term and long-term budget-tax policy strategies. At the same time, conducting scientific research aimed at reducing illegal financial flows, analyzing the factors that cause tax evasion by taxpayers, reducing the hidden economy, and focusing on the scientific and theoretical aspects of tax evasion processes remains one of the priorities. At the same time, the fields were studied, foreign experience, scientific-practical conclusions and proposals were formed on its application in our country.

Key words: tax revenues, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, advanced information and communication technologies, analysis, optimization, tax benefits, tax rate.

Кириш.

Дунёда молиявий оқимларнинг нотекис ҳаракатида солиқ тўлашдан қочишнинг турли хил йўлларини излаш ва ундан солиқ тўловчилар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Бирлашган миллатлар ташкилоти қошидаги Савдо ва тараққиёт конференцияси ҳисоб-китобларига кўра, ривожланаётган мамлакатлар йилига 100 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги молиявий ресурсларни "фойдани ўтказиш" амалиёти тарзида ноқонуний тарзда бошқа худудларга ўтказиб, миллий иқтисодиёт доирасида солиқдан қочиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда²⁴. Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг турли хил кўринишлари натижасида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда солиқларни минималлаштириш схемаларини қўллаш, солиқ тўловчилар томонидан олинган фойдани самарасиз фойдаланиш ва қайта инвестициялаш натижасида йўқотилаётган солиқли тушумлар ҳам йилига 250-300 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Адабиётлар шарҳи.

Солиқдан қочиш ва солиқларни оптималлаштириш йўллари мавзусига оид қисқача адабиётлар шарҳини келтирамиз.

Оленниковнинг (2017) фикрича, солиқдан қочиш ва солиқларни оптималлаштириш бу солиқ тўловчининг режалаштирган ҳатти-ҳаракатлари ҳисобланади.

Маковецкий, Зарецкая (2017) каби олимлар солиқдан қочишнинг энг кўп қонуний тарқалган усулларидан бири бўлган солиқларни оптималлаштириш тушунчасига ҳам таъриф бериб ўтади, яъни уларнинг таъбирича, "Солиқларни оптималлаштиришда

²⁴ Организация Объединенных Наций. A/HRC/31/61.GE.16-00535 (R) 020216 020216. Окончательное исследование по вопросу о незаконных финансовых потоках, правах человека и Повестке дня в области устойчивого развития на период до 2030 года Независимого эксперта по вопросу о последствиях внешней задолженности и других соответствующих международных финансовых обязательств государств для полного осуществления всех прав человека, в частности экономических, социальных и культурных прав.

солиқ тұловчининг мақсадлы қонуний ҳаракатлари, шу жумладан қонун ҳужжатларыда назарда тутилған барча имтиёзлардан тұлық фойдаланиш, солиқ имтиёzlари ва бошқа қонуний имтиёзлар орқали солиқ мажбуриятлари миқдорини камайтиришни тушуниш одатий ҳолдир. Бошқача айтганда, бу солиқ ва жиноят қонунчилиги нормаларини бузмаган ҳолда, қонуний асосларда солиқ тұловлари минимал даражага тушириладиган хұжалик юритувчи субъект фаолиятини ташкил этишдір” дейди.

Э.Гувер “Германияда солиқларни тұлашдан бүйин товлаш истаги туғилиш истагидан күчлироқдир” деганда солиқдан бүйин товлашнинг асосий ижтимоий-сиёсий негизини күрсатиб ўтган әди (Kottke, 1998).

Россиялик олима Александрова (2017) бу борадаги тадқиқотлари натижасыда “Солиқ тұловчилар томонидан солиқ тұлашдан бүйин товлашнинг оммавиyllиги, солиқ жиноятларининг кечикиш даражасининг юқориилиги алоқида ўтқирлик билан уларни очишу мұаммосини қўймокда, бу фаолиятнинг мақбул ва самарали йўллари ва воситаларини излаш ва ишлаб чиқиш зарурати туғилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, солиққа оид жиноятларни аниқлаш бошқа турдаги жиноятларга қараганда анча қийин. Бундай шароитда солиқ жиноятларини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни, шу жумладан суд-тибиётни ишлаб чиқиш айниқса муҳимдир” деб таъкидлайдики, муаллиф солиқдан бүйин товлаш жараёнларига ҳуқуқий баҳо бериш бошқа жиноятларга қараганда анчайин мураккаблигига ишора қиласы.

Абдуллина (2016) фикрича, солиқдан қочишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда солиқ жиноятларини аниқлашда бухгалтерия ҳужжатларини таҳлил қилишнинг қийинчиликларининг мавжудлиги, янги ташкил этилиб, тез фаолиятини тугатадиган корхоналарни мониторинг қилишда етарли малаканинг камлиги, фуқаролик, иқтисодий ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро интеграциялаш асосида таҳлил қилишнинг қийинлиги, қонун ҳужжатларининг етарли такомиллашмаганлиги оқибатида солиқдан қочиши ҳолатларининг ҳуқуқий негизига асосланған ҳолда бу жараённи камайтиришга қаратилған ҳаракатларнинг самарасиз бўлишига таъсир қилмоқда.

Украиналик олимлар Маковецкий, Зарецкаяларнинг (2017) фикрича, “солиқ тұлашдан бүйин товлаш ёки солиқ солинадиган базани камайтиришнинг кўплаб усулларини таснифлаш масаласида кўплаб тадқиқотчилар ягона нуқтаи назарга келишади ва иккита гуруҳни ажратиб кўрсатишиади. Баъзи манбаларда кулранг схемалар мавжудлиги қайд этилган. Бунда солиқларни камайтириш тартиби қонунларда белгиланған камчиликлар, бўшлиқлар ёки нотўғри талқинлардан фойдаланған ҳолда амалга оширилади”.

Вачугов (2019) солиқдан қочиши жараёнини яширин иқтисодиётнинг бўғини сифатида “солиқ соҳасидаги яширин иқтисодиёт” тушунчасини ҳам тушунтириб ўтади. Унинг фикрича, “солиқ тұлашдан бүйин товлаш яширин иқтисодиётнинг бир қисми бўлиб, солиқ тұлашдан бүйин товлаш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича яширин тузилмаларнинг фаолияти бизга “солиқ соҳасидаги яширин иқтисодиёт” атамасини киритиш имконини беради, унинг таърифи қуйдагича ифодаланиши мумкин: солиқ тұловчиларнинг ўzlари ҳам, солиқ тұлашдан бүйин товлашни ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни таъминлайдиган хизматларни кўрсатадиган соя тузилмалари тушунилади”.

Майбурова, Киреенко, Ивановалар (2013) эса, солиқдан қочишига қуйдагича таъриф беради: “солиқ тұлашдан бүйин товлаш деганда солиқ тұловчининг солиқ тұловларини тұлаш бўйича ўз мажбуриятларини ўзгартиришнинг ноқонуний йўли тушунилиши керак, бунда солиқ органларидан даромадлар ва мол-мулкни яшириш, уйдирма ҳаражатлар яратиш, шунингдек, қасдан бухгалтерия хисоби ва солиқ ҳисоботини бузиш” ҳолатлари юз беради.

Райзберг (1997) ўз навбатида айрим иқтисодчилар яширин иқтисодиётни – “реклама қилинмайдиган, уларнинг иштирокчилари томонидан яширилмаган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмаган иқтисодий жараёнлар” сифатида баҳолайди.

Агарковни (2007) фикирига кўра “солиқ тўлашдан бўйин товлаш” тушунчаси тадбиркорлик мақсадига эга бўлмаган ва асоссиз солиқ имтиёзларини олишга қаратилган молиявий-иқтисодий операцияларни англатади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда Ўзбекистон солиқ тизимида солиқдан қочиш ҳолатларини аниқлаш ва баҳолаш ҳолатларини кўрадиган бўлсақ, у қуидаги усулларда амалга оширилаётганлигини кўриш мумкин:

1-жадвал

Ўзбекистон солиқ тизимида солиқдан қочиш ҳолатларини аниқлаш ва баҳолаш ҳолатларининг амалий кўринишлари ва уларнинг намоён бўлиш шакли²⁵

№	Солиқдан қочиш ҳолатларини баҳолашнинг амалий усуллари	Амалий кўриниши
1.	Солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтмаслик ёки кеч рўйхатдан ўтиш	Солиқ тўловчи сифатида баҳолаш имконияти бўлмайди
2.	Бухгалтерия ҳисобини юритмаслик	Солиқ объекти, солиқ базаси ва ҳисобланган солиқ суммалари ноаниқ бўлади
3.	“Бир кунлик”, “кўк схема” ва шу шаклда фаолият юритишга мослашиш	Солиқ тўловчи сифатида баҳолаш имконияти мавжуд бўлсада, аслида солиқ тўламайди
4.	Гарчи фаолияти уччалик тўғри келмасада оффшор зоналарга капитал киритиш ёки фаолият юритиш	Ўз ҳудуди бўйича иқтисодий фаолият юритиши лозим бўлсада, капитални солиқдан қочиш имконият берувчи ҳудудларга ўтказишиши натижасида солиқ тўловларини амалга оширмайди, асоссиз солиқ имтиёзларга эга бўлади
5.	Солиқдан қочиш ҳолатларига имкон берувчи контрагентлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш	Ноқонуний фаолият олиб бораётган корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши оқибати кўшилган қиймат занжирида сунъий узилиш юзага келади ва солиқ тушумлари камаяди
6.	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни таннархдан паст қийматда сотиш	Маҳсулотларни бозор қийматидан паст сотилиши натижасида ялпи тушум камайиши юзага келади, аммо, солиқ тўловчининг умумий иқтисодий айланмасига салбий таъсири сезилмайди, солиқ кам тўлаш имконияти пайдо бўлади

Келтирилган 1-жадвал маълумотларида келтирилганидек, Республикализ солиқ тизимида солиқ тўловчилар томонидан асосий ҳолатлардаги солиқ тўлашдан қочиш ҳолатларини таҳлил қиласиган бўлсақ, унинг амалий кўринишлари, асосан, солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтмаслик ёки кеч рўйхатдан ўтиш, бухгалтерия ҳисобини юритмаслик, “Бир кунлик”, “кўк схема” ва шу шаклда фаолият юритишга мослашиш, гарчи фаолияти уччалик тўғри келмасада оффшор зоналарга капитал киритиш ёки фаолият юритиш, солиқдан қочиш ҳолатларига имкон берувчи контрагентлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш, маҳсулот (иш, хизмат)ларни таннархдан паст қийматда сотиш ва шу каби асосий йўналишларда намоён бўлаётганлигини таъкидлаш мумкин.

²⁵ Амалий ҳолатни таҳлил қиласиган ҳолда муаллиф ишланмаси.

Қайд этиш жоизки, солиққа оид муносабатларда солиқдан қочиш ҳолатларини аниқлаш ва уни баҳолашни амалга оширишнинг жуда мураккаблиги бу жараённи тартиблашни қийинлаштирувчи омиллардан бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда солиқдан қочиш ҳолатларининг амалий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, тармоқлар бўйича бу ҳолат энг кўп учрайдиган тармоқ бу қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш тармоғи, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари бўлиб қолмоқда.

Айрим манабаларда келтирилганидек, "...аммо амалда, солиқ тўлашдан бўйин товлашни солиқни минималлаштириш ҳаракатларидан ажратиш қийинроқ. Бу ерда асосий мезон - қонун бузилиши қанчалик "онгли" содир этилганлигидир. Ахир, молия экспертларининг фикрига кўра, бу ҳаракатлар ўртасидаги чегара қўпинча жуда нозик"²⁶. Дарҳақиқат бу каби мураккабликларни англаш учун солиқ тизимида хавфларни баҳолаш тизимидан кенроқ фойдаланиш мақсаддага мувофиқ бўлади.

Жумладан, Солиқ қўмитаси маълумотларига кўра, "2019- 2022 йилларда қурилиш корхоналари томонидан товар айланма ва бажарилган ишлар ҳажми ўртача йилдан йилга 15-20 фоиз ортиб борган, бироу, бу корхоналарда ўртача ҳаражатлар рентабеллиги 2021 йилдаги 10 фоиздан 2022 йилда 3,1 фоизга тушган, фаолият юритаётган 20303 та корхона 5 мингга яқинида (24 фоизи) ҳужжатларига мувофиқ рентабеллик 0 фоиздан паст, 12 мингдан ортиғида (60 фоизи) 0 фоиздан 1 фоизгача ва 904 (4 фоиз) компанияда 1 фоиздан 3 фоизгача рентабеллик кўрсаткичи паст бўлган, ўз навбатида, 10 мингга яқин (50 фоиз) қурилиш корхоналарида 1 нафар ишчи расмийлаштирилганлиги, ҳақиқатда ишлайдиган ишчилар сони яширилаётганилигини кўрсатади"²⁷. Бу корхоналарда солиқдан қочиш ҳолатларига олиб келувчи омиллар баҳолангандан қуйидаги "туар жой обьектларини ўртача бозор нархидан кескин даражада паст нархда реализация қилиш, ҳисоботларда ҳаражатларни сунъий равишда ошириб кўрсатиш орқали фаолиятини зарар билан якунлаш натижасида фойда солиғини тўламаслик, жисмоний шахслар томонидан қурилиш корхоналари устав жамғармасига йирик миқдорда пул маблағлари, бино ва иншоотлар, қурилиш моллари (манбаси кўрсатилмаган ҳолда) киритиш ва реализация қилиш"²⁸ каби ҳолатлар сабаб бўлганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолатларни аниқлашнинг амалий ҳолатини қуйидаги келтирилган 1-расмда тушунтириб ўтамиш.


Буларда ташқари солиқ тизими амалиётида қурилиш соҳасида солиқдан қочиш ҳолатларини аниқлаш ва уни баҳолашда яна бир қатор усувлар қўлланилади.

Улар жумласига, қурилиш техникалари ва транспорт воситаларини шартнома тузмасдан нақд пулга фойдаланиш (ижара)га бериш ҳолатида солиқ органларига йил якуни бўйича тақдим этилган молиявий ҳисоботларда қурилиш техникалари ва транспорт воситалари кўрсатилмаган қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотлар олиниб, қишлоқ ва шаҳар қурилиш ташкилотларидан, ҳокимият ва бошқа бюртмачилардан олинган бажарилган қурилиш монтаж ишлари тўғрисидаги маълумотлар билан солишириш ҳамда аниқланган тафовутлар бўйича таҳлиллар ўтказиш усули, белгиланган тартибда шартнома тузмасдан қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш ҳамда нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш жараёнини аниқлашда солиқ органларига йил якуни бўйича тақдим этилган молиявий ҳисоботларда қурилиш монтаж ишлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотлар олиниб, биржа, электрон савдо ва электрон ҳисобвараг-фактура тизими орқали қурилиш маҳсулот сотиб олган корхоналар билан солиширилади ҳамда аниқланган тафовутлар бўйича таҳлиллар ўтказиш усувларидан фойдаланилади.

²⁶ <https://bakertilly.ua/ru/id36822/>

²⁷ <https://m.kun.uz/news/2022/06/23/dsq-qurilish-sohasida-soliq-tolashdan-boyin-toplash-holatlari-haqida-malumot-berdi>, <https://soliq.uz/press-services/news/show/qurilish-sohasida-keng-tarqalgan-soliqdan-qochish--boyin-toplash-sxemalari>.

²⁸ <https://soliq.uz/press-services/news/show/qurilish-sohasida-keng-tarqalgan-soliqdan-qochish--boyin-toplash-sxemalari>.




1-расм. Курилиш корхоналарида солиқдан қочиш ҳолатларининг баҳолаш усуллари²⁹

Агар, ушбу усулларни қўллаш орқали қурилиш корхоналари томонидан солиқдан қочиш ҳолатларини баҳолаш таҳлиллари натижаларига эътибор қаратидиган бўлсак, охирги йилларда 51 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилган 452,3 млрд. сўмлик қурилиш монтаж ишлари ҳажми солиқ ҳисботда кўрсатилмаслиги натижасида бюджеттага 39,2 млрд. сўм солиқ тўланмасдан қолганлиги, 37 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилган ва кўрсатилган 317 млрд. сўмлик қурилиш ишларини ҳисобварап-фактуралар орқали кирим қилмаганлиги натижасида бюджеттага 14,6 млрд. сўм солиқ тўланмасдан қолганлиги, ўтказилган тезкор тадбирларда 19 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тегишли рухсатномаларсиз ер қаридан фойдаланиб, 9 млрд. сўмлик тупроқ, қум, шағал ва хж қазиб олаётганлиги ва бюджеттага 1 млрд. сўм солиқ тўланмасдан қолганлиги, 17 та

²⁹ Амалдаги тартибларга асосланган ҳолда муаллиф томонидан тузилган.

корхона томонидан жисмоний шахсларга сотилган кўчмас мулк (уй-жой ва нотуар объектлар)нинг ҳақиқий қийматини олди-сотди шартномаларида камайтириб кўрсатиб, бюджетта 9,1 млрд. сўм кам солиқ тўланганлиги, 29 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотилган кўчмас мулк объектларининг қиймати солиқ ҳисоботларида камайтириб кўрсатилиб, бюджетта 9,3 млрд. сўм солиқ тўланганлиги аниқланган, 13 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қурилиш техникалари ва транспорт воситалари шартнома тузмасдан бошқа субъектларга нақд пулга фойдаланиш (ижара)га берилиб, тушган маблағлар ҳисобидан бюджетта 402 млн. сўмлик солиқлар тўланмаганлиги, 14 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома тузмасдан қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилиб, 21,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари яширилиши натижасида бюджетта 2,6 млрд. сўм солиқ тўланмасдан қолганлиги аниқланган.

Тураг жой объектларини бозор нархидан паст реализация қилиш орқали солиқдан қочиш схемаси




2-расм. Тураг жой объектларини бозор нархидан паст реализация қилиш орқали солиқдан қочиш схемаси³⁰

2-расм маълумотларидан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, тураг жой объектларини бозор нархидан паст реализация қилиш орқали солиқдан қочиш схемаси афуски республикамиз қурилиш корхоналарида юқорида келтирилган 5 та қўриниш (ҳолат) доирасида юз бермоқда. Ушбу схема асносида биргина 2021 йил натижаларига кўра, тураг жой объектларини бозор нархидан паст реализация қилиш ҳолатлари бўйича 159 та корхона томонидан қиймати 1 трлн.сўмлик 2 158 та объектлар 1кв.м учун 1-5 млн.гача нархлар оралиғида сотилган. Шундан, 1 млн. сўмгача 60 та, 1-3 млн. сўм оралиғида 443 та объектлар сотилган. Мисол учун, “XXX” МЧЖ томонидан Учтепа туманида қурилган янги қўпқаватли тураг жой мажмуасидан 26 та квартира ўртача 1,8 млн.сўмдан сотилган.

Солиқдан қочиш ҳолатларини аниқлаш ва баҳолашнинг дунё амалиёти ва республикамиз солиқ тизимида ҳам ишлаб чиқариш соҳасидаги жараён ўта муҳим саналадики, уни қуидаги 3-расмда акс эттирамиз:

³⁰ Муаллиф томонидан тузилган.



3-расм. Ишлаб чиқариш соҳасида соликдан қочиш ҳолатларини аниқлаш тартиби³¹

Келтирилган расмдагидан ташқари ишлаб чиқариш соҳасида соликдан қочиш ҳолатларини келтириб чиқарувчи омиллар сифатида уларни аниқлашда яна бир қатор иқтисодий жараёнларни ҳам аниқлаш зарур бўлади. Улар жумласига, экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажмини ошириб кўрсатиша: божхона бошқармасидан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар олиниб, ушбу корхона томонидан солик ҳисботларида кўрсатилган ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар ҳажми билан солишириш, тугалланмаган қурилиш объектлари ва белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналарни яшириша: маҳаллий ҳокимиятлар таркибидаги Архитектура бўлимидан тугалланмаган қурилиш объектлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда божхона органларидан хорижий мамлакатлардан олиб келинган асбоб-ускуналар тўғрисидаги маълумотлар олиниб, корхоналар томонидан солик органларига тақдим этилган мол-мулк солиги

³¹ Муаллиф томонидан тузилган.

ҳисоботлари билан солишириш, алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган сув ҳажмини яширишда: сув ресурслари ҳисобини юритувчи ташкилотлардан алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўлчов асбоблари орқали сотилган сув ҳажми тўғрисидаги маълумотлар олиниб, ушбу корхоналар томонидан солиқ органларига тақдим этилган молиявий ҳисоботларда кўрсатилган сув ҳажми билан солишириш орқали аниқланади.

Соликдан қочиш ҳолатларини аниқлаш ва баҳолашнинг энг муҳим усуллари қаторига “оффшорни баҳолаш усули” бўлиб, бу кейинги вақтларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Маълумки, Оффшор бу қулай солиқ шароитига эга давлатда хорижий фуқаро томонидан қайддан ўтган, ушбу мамлакатда фаол иш юритмайдиган фирма бўлиб, оффшор компанияси бу – корхоналарнинг алоҳида ташкилий юридик шахс мақомини тавсифловчи терминдир. Бу мақом унга солиқ тўловларни максимал даражада туширишни таъминлайди (кўп ҳолларда нолгача). Профессор Х.Абулқосимовнинг таъкидлашича, “компанияларнинг оффшор мақоми уларга ўз фаолиятлари давомида солиқларни максимал даражадан туширишни, ҳатто йуқ қилиш, яъни бутунлай солиқлардан озод бўлишни таъминлайди.Faқатгина бу мақом талаби, бизнес операцияларини ўз қонунчилигидан ташқарида олиб боришни талаб қиласди. Яъни оффшор компанияси ўз қонунчилигини резиденти бўла олмайди”³².

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181 - моддаасида назорат қилинадиган ташқи савдо битимлари тартиби келтирилган бўлиб, унга кўра, жаҳон биржа савдоси товарларининг ташқи савдоси соҳасидаги битимлар ва тарафларидан бирининг рўйхатдан ўтказилиш жойи, яшаш жойи ёки солиқ резидентлиги жойи оффшор юрисдикция бўлган шахс ҳисобланадиган битимлар назорат қилинадиган битимлар деб юритилади. Мазкур моддага мувофиқ, “агар бунда Ўзбекистон Республикаси юридик шахсининг фаолияти оффшор юрисдикцияда доимий муассасани ташкил этса ва назорат қилинадиган битим ушбу фаолият билан боғлиқ бўлса, ушбу битим қисмида мазкур юридик шахсга рўйхатдан ўтказилиш жойи ушбу оффшор юрисдикция бўлган шахс сифатида қаралади. Шунингдек, солиқ солишиш бўйича имтиёзли режимни тақдим этадиган ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда ахборотни ошкор этишни ҳамда тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ва ҳудудлар оффшор юрисдикциялар деб эътироф этилади” (Кодекс, 2019).

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиш мумкини, иқтисодий муносабатлар доирасида зиммаларига солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган солиқ тўловчиларнинг иқтисодий ҳатти-ҳаракатлари асносида солиқ тўлашдан қочиш ҳолатларини аниқлаш бу муносабатларни олдини олишда услубий асос бўлиб хизмат қиласди. Бунинг учун эса, юқорида келтириб ўтилган уни аниқлаш ва баҳолаш усулларидан кенг фойдаланиш ўз самарасини бериш мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Экспорт тушумларини хорижий банклардаги ҳисблари орқали амалга ошириш, шунингдек ҚҚС қайтариш бўйича хорижий банкларга келиб тушган маблағларни ҳам ҳисоблаш тизими жорий этиш.

Якка тартибдаги тадбиркорлар (жисмоний шахслар)га чет элдан инвестиция киритиш мақсадида хорижий валюта юборилганда, ушбу сумма жисмоний шахснинг бошқа даромади сифатида талқин қилиниб, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар (жисмоний шахслар)га чет элдан инвестиция киритиш мақсадида хорижий валютада юборилган маблағларни солиқдан озод қилиш бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритиш.

Текширувлар ўтказиш бўйича йилнинг маълум бир аниқ даврини белгилаш ва бир хўжалик субъектини текшириш даврийлигини белгилаш бўйича янги тизим ишлаб

³² Абулқосимов Х. “Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш” мавзуси бўйича тақдимот.

чиқиши. Хўжалик субъекти вакиллари томонидан тўғри ва сифатли режалаштириш ва самарадорлигини амалга ошириш имконини беради.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Ахмедов Ф.Б. (2023) Солиқ тўлашдан қочиши хавфларини аниқлашда замонавий фискал назорати такомиллаштириш: (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент.

Kottke K. (1998) «Gryaznye» den'gi – chto ehto takoe? Spravochnik po nalogovomu zakonodatel'stву v oblasti «gryaznyh» deneg. M.

Абдуллина А.Р. (2016) Представители как субъекты уклонения от уплаты налогов с организации // Научная перспектива.. № 10. С. 37-38.,

Агарков Г.А. (2007) Противодействие налоговой системы теневой экономической деятельности / под. ред. А.И. Татаркина, А.А. Куцклина. Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 278 с.

Александрова Л.И. (2017) Основные особенности и проблемы выявления уклонений от уплаты налогов. // Актуальные проблемы правового регулирования. С.2.

Вачугов И.В. (2019) Уклонение от уплаты налогов, как составляющая теневой экономики: рост или сокращение? // Налоги и налогообложение. – № 6. – С. 42.

Кодекс (2019) Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги солиқ Кодекси. 2019 йил. 181-моддаси. <https://lex.uz/docs/4674902>

Майбурова И.А., Киреенко А.П., Иванова Ю.Б. (2013) Уклонение от уплаты налогов. Проблемы и решения: монография для магистров, обучающихся по программам направления «Финансы и кредит» / И.А. Майбуров [и др.]; под ред. И.А. Майбурова, А.П. Киреенко, Ю.Б. Иванова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, -с.383.

Маковецкий С.А., Зарецкая Е.А. (2017) Уклонение от уплаты налогов: особенности преступления и наказания. Вестник института экономических исследований, № 3(7) 156.

Маковецкий С.А., Зарецкая Е.А. (2017). Уклонение от уплаты налогов: особенности преступления и наказания. Вестник института экономических исследований, № 3(7) 156.

Оленников С.М. (2017) Квалификация уклонения от уплаты налогов по объективным признакам состава преступления. // Юридическая ответственность и ответственные юристы. №4. С.37-42.

Райзберг Б.А. (1997) Современный экономический словарь / Б. А. Райзберг, Л. Ш. Лозовский, Е. Б. Стародубцева. – М. : ИНФРА-М, – 496